

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 18-dekabr, payshanba

50 (9370)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги: янги ланиш, стратегия ва келажак истиқболлари

Маълумки, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, турли инқирозлар, табиий офатлар ва геосиёсий зиддиятлар шароитида мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ошиб бормоқда. Бундай мураккаб ва тез ўзгаришчан вазиятда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳар бир давлат учун стратегик аҳамият касб этиб, миллий иқтисодиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигининг асосий омили сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон учун ҳам ушбу масала устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Шу боис, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, уни замонавий талабларга мослаштириш ва етук институционал асослар билан таъминлаш мақсадида кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда,

Жумладан, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, аграр секторни диверсификация қилиш, юқори самарали агротехнологияларни жорий этиш, агрологистика тармоқларини ривожлантириш, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ва аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган мақсадли дастурлар илҳом билан ҳаётимизга тадбиқ этилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кўни муносабати билан соҳа вакиллари билан ўтказган учрашуви мамлакат аграр сиёсатининг янги босқичини белгилаб берганлиги билан янада аҳамиятлидир. Бу учрашувда билдирилган фикрлар, қўрсатилган натижалар ва белгилаб берилган

устувор вазифалар қишлоқ хўжалигига доир ислохотларнинг устувор йўналишлари ва уларнинг амалий ижросини янада аниқлаштириб берди.

Учрашувда Президентимиз таъкидлаганидек, бу йил мамлакатимизда 3,5 миллиондан зиёд инсон меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалигига мисли қўрилмаган натижаларга эришилди. 4 миллион тоннадан ортиқ пахта, 8,4 миллион тонна галла, 1,34 миллион тонна шолі, ўнлаб миллион тонна сабзавот-полиз, мевалар ва дуккакли экинлар буларнинг бари юртимиз меҳнаткаш деҳқон ва фермерларининг заҳмати самарасидир.

Кувонарлиси, мева-сабзавот экспорти илк бор 37 фоизга ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди. 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ

хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларимиз кириб борган давлатлар сони 83 тага етгани мамлакатимиз брендининг жаҳон бозоридаги нуфузи ошиб бораётганини кўрсатади.

Албатта, аграр соҳадаги бу ютуқлар барқарор бўлиши учун қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш, қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш муҳим. Шу боис, "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси", 2025 йилда қабул қилинган "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Ўзбекистон-2030" стратегиясидаги мақсад ва кўрсаткичлар каби ҳуқуқий ва дустурий вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада)



Қишлоқ хўжалигида "Яшил" энергиядан фойдаланиш қандай афзалликларга эга?

Қишлоқ хўжалиги бутун дунё бўйлаб энергия истеъмолининг 30 фоизини ташкил этади, бу эса уни иқлим ўзгаришига ҳисса қўлуви асосий омиллардан бирига айналтиради. Анъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш нафақат атроф-муҳитга зарарли, балки қишлоқ жойларда электр тармоқларининг етишмаслиги туфайли иқтисодий жиҳатдан ҳам оқимдор.

Қуёш, шамол ва био-энергия каби муқоаб энергия манбалари эса бу муаммоларни бартараф этиш имкониятини беради. Улар нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки қишлоқ жойларда энергия мустақиллигини таъминлаш, харажатларни камайтириш ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш имкониятига эга.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш

Қуёш энергиясидан фойдаланиш қишлоқ хўжалигида энг кенг тарқалган ва истиқболли йўналиш ҳисобланади. Қуёш панеллари ёрдамида қувватланадиган насослар суғориш тизимларини ишлатиш имконини беради, бу эса аҳолининг суғориш муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Масалан, Непалнинг бир қанча қишлоқ хўжалик ҳудудларида қуёш энергия-

сидан фойдаланадиган насослар ўрнатилиб, фермерлар суғориш учун мўлжалланган сувни осонликча ва арзон нархда олиши мумкин. Бундай технологиялар нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки фермерларнинг даромадини оширишга ҳам хизмат қилади.

Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг яна бир истиқболли йўналиши бу агроволтаика. Бу усулда қишлоқ хўжалиги экинлари ва қуёш панеллари бир хил ер майдонида жойлаштирилади. Қуёш панеллари ҳосилни қуёш нурларининг ҳаддан ташқари иссиқлигидан ҳимоя қилади, шу билан бирга энергия ишлаб чиқаради. Бу усул ёрдамида ер майдонидан самарали фойдаланиш имкони юзага келади, бу эса айниқса, ер ресурслари чекланган ҳудудлар учун муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-саҳифада)



Agrobank

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ва "Агробанк" АТБ ҳамкорлигида коррупцияга қарши курашиш ойлиги доирасида "Очиқ эшиклар кунини" тадбири ўтказилди.

Соҳа масъуллари, банк раҳбарияти ва ОАВ ҳодимлари иштирок этган тадбирда банк-молия тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди. Молия секторидида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш, ички назорат тизимларини кучайтириш ҳамда ҳодимлар масъулиятини



ошириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир очиқ мулоқот шаклида ўтказилиб, иштирокчилар саволларига соҳа масъулларидан жавоб олди.

Агробанк ахборот хизмати

ЖСТ талабларининг жорий этилиши

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортга хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги ҳодимлари кўни муносабати билан соҳа вакиллари билан ўтказган учрашувида фидокорона ва машаққатли меҳнати учун аграр тизим мутахассисларига чуқур ҳурмат-эҳтиром билдирар экан, ютуқлар ва муваффақиятларни эътироф этди.

Жумладан, йил бошидан озиқ-овқат экспорти 37 фоизга ўсиб, 3 миллиард долларга етгани, йил якунигача бу кўрсаткич илк бор 3,2 миллиард доллардан ошиши таъкидланди. Ўзбекистоннинг мева-сабзавотлари кириб борган давлатларнинг сони 18 тага кўпайиб, 83 тага етди. Давлатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан сўнг бу кўрсаткичлар янада ортади.

Фитосанитар хавфсизлик йўналишидаги жараёнлар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан олиб борилиб, бугунги кунда бу борада бир қанча амалий ишлар қилинди.

Карантин агентлигининг ЖСТ билан ишлаш бўлими бошлиғи Ғайрат Эргашевнинг таъкидлашича,



халқаро савдода иштирок этаётган субъектлар бир бирларини тўғри тушунишлари муҳим. Шу сабаб биринчи навбатда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда

фитосанитария соҳасидаги атамалар лугати бутунлай янгиланди. Натижада ўсимликлар карантини (фитосанитария) йўналишидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига

30 дан зиёд Фитосанитария чоралари бўйича халқаро стандартлар (ISPM) ва 140 та Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар ҳимояси бўйича минтақавий ташкилоти халқаро стандартлари уйғунлаштирилди.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда асосий тамойиллардан бири пестицидлар ва минерал ўғитларни рўйхатга олиш, уларнинг импорти ва савдосини тартибга солишдан иборат. Ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланадиган кимёвий воситалардан тўғри, илмий асосланган ва қабул қилинган меъёрлар асосида фойдаланишни таъминлаш муҳим масала сифатида қаралиб, мамлакатимизда янги тартибни жорий этиш мақсадида қонуний асослар

Пресс-тур

"Ўзагролизинг" АЖ:

дунёдаги етакчи қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилар билан ўзвий ҳамкорлик йўлга қўйилган

Кеча "Ўзагролизинг" АЖ томонидан Чирчиқ шаҳридаги "Agro tech" кластерига уюштирилган пресс-тур давомида матбуот анжумани ҳам ўтказилди. Унда "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг 11 ойи давомида аграр соҳани лизинг асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.



Қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий, юқори унумли ва рақобатбардор техникалар билан таъминлаш "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти фаолиятининг

устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга оширишда қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражасини ошириш ҳамда фермер ва кластерларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти ўз фаолият йўналиши бўйича дунёда етакчи ўринларни эгалловчи

қатор йирик қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ўзвий ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйган.

Жамият ташкил этилишидан буён ўтган 26 йил давомида мамлакат аграр соҳасига қарийб 100 минг донадан ортиқ, умумий қиймати 9 триллион сўмдан зиёд бўлган қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилди. Бу эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий техникалар улушини ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва соҳада барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

яратилди. Жумладан, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар ҳимояси тўғрисида"ги қонунига ўзгартиришлар киритилиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан пестицидларни рўйхатга олиш ва уларнинг савдосини тартибга солишга қаратилган ҳужжатлар қабул қилинди.

Фитосанитар хавфсизликни таъминлашда халқаро талабларнинг жорий этилиши баробарида фитосанитар лабораториянинг фаолиятини халқаро андозаларга мос равишда ташкил этиш талаби белгиланган. Эътироф этиш лозим, агентлик тизимида фаолият юритаётган Марказий фитосанитария лабораторияси халқаро аккредитацияга эга бўлиб, энг сўнгги методология асосида текширувлар олиб борилади. Бу эса импорт бўлаётган маҳсулотлар билан бирга Ўзбекистон ҳудудига зарарли организмларнинг кириб келишининг олдини олади.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги: янгиланиш, стратегия ва келажак истиқболлари



Одинахон ОТАХОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси.

(Боши 1-саҳифада)
Жумладан, “Ўзбекистон-2030” стратегиясида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш мақсадида бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга, соҳада экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, Республикада сувдан оқилона фойдаланиш маданияти ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектарга, шу жумладан, томчилаб сугориш технологиясини 600 минг гектарга етказиш, 18,7 минг км. ёки 66 фоизи тупроқ ўзани бўлган магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг бетон қопламали улушини 13,1 минг км.га етказиш кўзда тутилган.

Сир эмаски, бугун иқлим ўзгариши ва унинг салбий оқибатлари бутун дунёда қишлоқ хўжалиги соҳаси учун синов бўлмоқда. Мамлакатимизда иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳақидаги агрометеорологик прогнозларнинг ишончлилик даражасини 96 фоизга етказиш мақсад қилинган эди. Ўтган 2 йиллик қисқа даврда бу вазифалар ижроси юқори кўрсаткичларда қайт этилганлиги нафақат соҳа ходимларини, қолаверса бутун халқимизни қувонтирмоқда. Хусусан, жорий йилда илк бор пахтада ўртача ҳосилдорлик 46 центнерга, ғаллада эса 85 центнерга етказилди.

Шунингдек, уч йиллик боғдорчилик дастури, адир ерларни аукцион орқали сотиш, экспортчиларга қадоқлаш харажатларининг 50 фоизни қоплаб бериш, музлаткичли омборлар учун фоиз харажатларини субсидиялаш каби ташаббуслар мамлакатимизда интенсив боғдорчиликни ҳам жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Қолаверса, аграр соҳада 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория фаолият юритмоқда. Президент томонидан янгидан ташкил этилиши белгиланган Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси эса “илм – таълим – ишлаб чиқариш” занжирини бoғлаб турувчи марказга айланади. Бу академия қишлоқ хўжалигининг фундаменти ва амалий тадқиқотлари, янги навлар яратиш, инновацион агро-технологияларни жорий этишга масъул бўлади.

Умуман олганда, мамлакатимизда аграр соҳани комплекс ривожлантириш, уни замонавий инновациялар ва илмий ёндашувлар асосида тубдан янгиллаш йўлида қатъий ва изчил сиёсат амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги қатъий ва аниқ мақсадларга қаратилган дастурлари миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Президентимиз томонидан қишлоқ хўжалигининг барча бўғинларини қамраб олган ислохотлар – ҳосилдорликни ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фермер ва деҳқонлар меҳнатини рағбатлантириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, агрологистика ва қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш барчаси мамлакатимизнинг аграр потенциалини тубдан юксалтиришга хизмат қилади.

Бу жараёнда қонунчиликнинг мустаҳкам ва замонавий асосларга эга бўлиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ижросини таъминлаш, парламент назоратини кучайтириш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Шу нуктаи назардан, парламент вакили сифатида биз олдимизга қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган барча ҳуқуқий ва институционал чораларни кўриш, соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва уларнинг амалда тўлақонли ижросини таъминлашга масъулмиз.

Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг лизинг портфели 6 триллион 741 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 198 фоизга ўсган



“Ўзагролизинг” АЖ: дунёдаги етакчи қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган

(Боши 1-саҳифада)
Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг лизинг портфели 6 триллион 741 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 198 фоизга ўсган.

Жумладан, 2025 йилнинг ўтган 11 ойи давомида Жамиятнинг ҳудудий филиаллари орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига 5 184 дона турли русумдаги техникалар 4 триллион 362 миллиард сўм миқдоридан лизинг асосида етказиб берилди. Етказиб берилган техникалар таркибидан пахта териш машиналари асосий улушини ташкил этиб, жорий йилда 957 дона пахта териш машинаси топширилди.



Уларнинг умумий қиймати 3 триллион 341 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди. Натижада жорий йилнинг 11 ойи давомида лизингга берилган техникалар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 178 фоизга ошди. Шу билан бирга, “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти томонидан талаба-ёшлар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид амалий билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишлар доирасида талаба-ёшлар “Agro Tech” кластерининг асосий фаолият йўналишлари, жумладан, қишлоқ хўжалиги техникаларини қабул қилиш, тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва самарали фойдаланишга топшириш жараёнлари, ишлаб чиқариш ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўлимлари фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, кластерда жорий этилган инновацион ечимлар, замонавий технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор тажриба ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди. Тадбир доирасида соҳа кизиқиши ва салоҳияти юқори бўлган иқтидорли талаба-ёшларга мўлжалланган “Ёш агролизингчи” стипендиясини топшириш маросими ҳам ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Қишлоқ хўжалигида “яшил” энергиядан фойдаланиш қандай афзалликларга эга?

(Боши 1-саҳифада)
Биоэнергия ва биогаз қурилмалари

Биоэнергия - қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан энергия олиш имконини берувчи технология. Анаэробик сингдиргичлар органик чиқиндиларни парчалаб, биогаз ҳосил қилади. Олинган биогаз ёнилғи сифатида ишлатилиши мумкин, бу эса анъанавий ёқилғига бўлган эҳтиёжни камайтиради. Бундан ташқари, қолган суюқлик органик ўғит сифатида ишлатилиши мумкин, бу эса ер унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Биогаз қурилмалари нафақат энергия муаммосини ҳал қилади, балки чиқиндиларни бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, фермер хўжаликларида чиқиндиларни қайта ишлаш орқали қўшимча даромад олиш имкони пайдо бўлади.

Энергияни тежовчи технологиялар

Энергия самарадорлиги энергия муаммосини ҳал қилишнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Аниқ қишлоқ хўжалиги

усуллари глобал позицион тизим (ГПС) ва географик ахборот тизимлари (ГИС) каби технологиялардан фойдаланган ҳолда экинни бошқариш, сугориш ва ўғитланишини оптималлаштириш имконини беради. Бу нафақат ресурсларни тежаш, балки ортиқча сув ва ўғитлардан қочиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам ёрдам беради.

Совуқ сақлаш тизимлари энергия сарфини камайтиришнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда энергия сарфини камайтириш учун кўёш энергияси билан ишлайдиган музлаткичлар ва совуткичлар ишлаб чиқилмоқда. Бу технологиялар озиқ-овқат маҳсулотлари бузилишининг олдини олиш ва энергия харажатларини камайтириш имконини беради.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш нафақат атроф-муҳит, балки иқтисодийёт ва жамият учун ҳам катта аҳамиятга эга. Энергия харажатларини камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, фермер даромадларини ошириш имконини беради.

Энергия мустақиллиги қишлоқ жойларда турмуш даражасини ошириш,

соғлиқни сақлаш шароитини яхшилаш (тоза энергия), янги билим ва кўникмаларни эгаллашда муҳим ўрин тутади.

Экологик афзалликлар: углерод исини камайтириш, ҳавони ифлосланишдан ҳимоя қилиш, тупроқ ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, барқарор ривожланишнинг рағбатлантириши.

Муқобил энергия лойиҳаларини амалга оширишда молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ жойларни энергия билан таъминлаш дастури (New ERA) каби дастурлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва кичик корхоналар учун энергия лойиҳаларини молиялаштиришда катта ёрдам беради.

АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ энергияси дастури (РЕАП) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва кичик корхоналар учун кредит ва грантлар тақдим этади.

Келажакда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш янада кенг тарқалиши кутилмоқда. Энергияни сақлаш тизимлари, масалан, литий-ион батареялар ва гравитацион сақлаш тизимлари энергия узилишларининг олдини

ХОДИМЛАРНИНГ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА БИЛИМЛАРИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

“Тошкент иссиқлик электр маркази” филиалида шу йилнинг декабр ойида “Ёнгин хавфсизлиги” бўйича кўрик ойлиги ўтказилмоқда. Филиал ишчи ва тезкор ходимлари билан ўтказилган 3 та ўт ўчириш машғулотларида цехларнинг 85 нафар ходими иштирок этди. Шу билан бирга 70 нафар ходимнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича билимлари синовдан ўтказилди.



Белгиланган тартибга кўра, декабр ойида республика ҳудудида “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги”ни ўтказиш белгиланган.

“Тошкент ИЕМ” ҳудудида ҳам ушбу ой бошидан “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” доирасида ёнгин хавфсизлиги, унинг олдини олиш бўйича чоралар кучайтирилди. Биринчи галда корхонада ишчи ходимларнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда уларда шахсий хавфсизлик маданиятини шакллантириш, иқтисодийёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари ҳамда уй-жой фондини ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ

ҳолга келтириш асосий мақсад қилиб олинган.

Ёнгинларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирлари давомида Яккасарой тумани ФВБ-нинг куч ва воситалари, идоралар билан биргаликда марказда ўқув тактик машғулотлари ўтказилмоқда, – дейди корхона Бош муҳандиси – ўқув машғулотлар бошлиғи У. Рискулов. – Ёнгин ўчириш воситаларини тўғри ҳолатда сақлаш, белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш шулар жумласидандир.

Ойбек РУҲИТДИНОВ,
“Тошкент ИЕМ” филиали МХТХ ЁХ бўйича катта инспектори.

олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ақлли тармоқлар энергия тақсимотини оптималлаштириш ва бошқариш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида энергия муаммоларини ҳал қилиш учун ҳамжамият иштироки ва маҳаллий ечимлар муҳим аҳамиятга эга. Жамоалар ўз энергия муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этишлари керак. Маҳаллий шароитларга мос келадиган инновацион ечимлар муваффақиятнинг асосий шартларидан биридир.

Муқобил энергия манбалари ва инновацион технологиялар қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириш имкониятига эга. Улар нафақат энергия муаммосини ҳал қилиш, балки иқтисодий ривожланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий фаровонликни оширишга ҳам хизмат қилади. Технологиянинг ривожланиши ва қўллаб-қувватловчи сиёсатлар орқали қишлоқ хўжалигининг барқарор ва истиқболли келажакни шакллантириш мумкин. Ҳар бир қадам табиятга бўлган мажбуриятни ошириш ва келажак авлодлар учун яшил ва фаровон дунё қуришга ёрдам беради.

Улўбек ИБРОҲИМОВ,
ТДАУ “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва автоматлаштириш” кафедраси ассистенти.

ЖСТ талабларининг жорий этилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига хизмат қилади

(Боши 1-саҳифада)
Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида 324,8 мингта экспертиза ўтказилган. 940 та ҳолатда 27 турдаги карантин объектилари аниқланиб, хавфли зарарли организмларнинг кириб келишининг олди олинди ва тегишли чоралар қўрилди. Фитосанитар назорат нафақат лаборатория шароитида, балки ҳам чегара масканларида, ҳам дала назоратида амалга оширилиши муҳим. Шу сабабли ЖСТга аъзо бўлишда ҳар иккала йўналишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Фермер ва деҳқон хўжаликлари, экин ерлари, томорқалар, боғлару иссиқхоналарда мунтазам мониторинг олиб бораётган карантин инспекторларининг фаолиятида рақамлаштириш “улуши” ортди. Энди инспекторлар дала мониторингинг натижаларини даланнинг ўзидан туриб планшет орқали киритади ва барча маълумотлар агентликнинг e-Fito.uz автоматлаштирилган ахборот тизимига жамланади. Шунингдек, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенциянинг E-PHYTO solution тизимига интеграция қилинган ахборот платформасида маҳсулотлар импорти, экспорти, фумигация, зарарли чигиртка назорати, биолобатория, тупроқ агрохимёвий таҳлили натижалари

ва фитосанитар лаборатория хулосалари умумлаштирилади. Бу эса фитосанитар хавфсизлик тизимини тўлиқ таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Чегара масканлари моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши ҳам мамлакатда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш йўналишидаги ЖСТ талабларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда 76 та чегара пости замонавий ускуналар билан жиҳозланди, 120 нафар инспектор ўқитилди, 6 та қўшимча чегара пости 2025-2026 йиллар давомида модернизация қилинади. Яъни халқаро ташкилотларнинг кўмагида харид қилинган замонавий жиҳозлар ёрдамида чегара ҳудудларининг ўзида сифатли карантин теширувини ўтказиш имконияти юзга келади.

Агентлик директорининг маслаҳатчиси Дилафруз Арифханованинг таъкидлашича, карантин остидаги маҳсулотлар хавфлилик даражасига кўра 3 турга (хавфи юқори, ўрта ва паст) ажратилиши карантин назорати жараёнларини осонлаштиради. Бундан ташқари, бу ўзгаришлар тадбиркорлик субъектлари учун ҳам қўлайлик яратиб, оворагарчиликнинг олдини олади, вақт ва маблағ сарфини камайтиради.

Тадбиркорлик субъектлари ҳақида гап кетганда соҳадаги баъзи йўналишларнинг

хусусий секторга берилишини ҳам таъкидлаш лозим. Фумигация (фитосанитар ишлов бериш) давлат функцияси босқичма босқич хусусий секторга ўтказилди. Натижада соғлом рақобат юзга келиб, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқишга асос бўлади.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши маҳсулотлар экспорт қажмини ошириш учун имконият тақдим этиши билан билан бир қаторда, янги тартиб-таомилларни жорий этишни тақозо этади. Янгича ёндашув албатта, ўз самарсини бермоқда. Мисол тариқасида ўтган даврда эришилган натижаларни келтириш мумкин. Ўзбекистон қурилган олхўри ва ўрик экспорти бўйича дунёда 3-ўринга, шафтоли ва майизда 7-, гилосда 8-, узумда 13-ўринга чиқди. Бироқ бу ҳали яқиний натижа эмас. Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, экспорт ҳажмини оширишда янада катта марралар белгилаб берди. Фитосанитария соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар мазкур халқаро талабларни босқичма-босқич тизимга уйғунлаштиришга қаратилган бўлиб, мамлакатимиз халқаро бозорда муносиб ўрин эгаллашини мақсад этган.

Сабина САДИНОВА,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги матбуот котиби.

Ҳозирги даврда инсоният тараққиётининг янги босқичи сифатида сунъий интеллект (СИ) технологиялари жадал ривожланмоқда. У нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, балки таълим-тарбия тизимида ҳам чуқур ўзгаришлар ясамоқда.

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ТАЪСИРИ

Юртимизда ҳам таълим жараёнида инновацион технологияларни татбиқ этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис, СИ.нинг таълим-тарбияга таъсирини чуқур таҳлил қилиш долзарб масалалардан саналади. СИ ёрдамида ҳар бир ўқувчининг билим даражаси, кизиқиши ва қобилиятига мослаштирилган ўқув дастурларини яратиш мумкин. Тестларни автоматик текшириш, топшириқларни тезкор баҳолаш ўқитувчининг ишини енгилаштиради. СИ асосидаги платформалар орқали турли ҳудудларда яшовчи ўқувчилар сифатли билим олиш имкониятига эга бўлади. Ақлли таржима тизимлари ва овозли ёрдамчилар хорижий тилларни тез ва самарали ўрганишга ёрдам беради. СИ орқали ёшлар учун маънавий-маърифий дастурлар, интерактив дарсликлар ва виртуал кутубхоналар яратилмоқда. Тарбиявий жараёнларда болалар учун мотивацион дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг интеллектуал салоҳияти оширилмоқда. Ногиронлиги бўлган

болалар учун инклюзив таълим имкониятлари кенгаймоқда. Шу билан бирга ёшларнинг СИ воситаларидан ҳаддан ташқари фойдаланиши уларда мукаффиқрлаш, ижодкорлик ва ижтимоий мулоқотни сусайтириши мумкин. Глобал тармоқлардаги турли зарарли контент СИ орқали тарқалиб, ёшларнинг дунёқараши ва ахлоқий қадриятларига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли бор.

Сунъий интеллект таълим жараёнида ўқитувчини тўлиқ алмаштира олмайди, аммо унинг ролини ўзгарилади. Энди ўқитувчи ўқувчиларга йўналтирувчи ва маслаҳатчи бўлади, ижодкорликни рағбатлантириш, танқидий фикрлашни шакллантириш қўпроқ эътибор беради. СИ технологияларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришда етакчилик қилади. Бунда ўқувчиларнинг кизиқиши кучаяди, билим олиш жараёни тезлашади. Тарбия жараёни инновационлашади: ёшлар илмий ва маданий қадриятларга замонавий



Шохруҳбек ЙЎЛДОШЕВ,
Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси.

шаклда етказилади.

Ахлоқий муаммолар пайдо бўлиши мумкин: нотўғри контент, сохта ахборот, ҳаддан ташқари технологияга қарамлик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сунъий интеллект таълим-тарбия тизимида янги имкониятлар очмоқда. У шахсийлаштирилган таълимни ривожлантириш, баҳолаш жараёнини соддалаштириш, маънавий таълимни кенгайтириш ҳамда тарбиявий фаолиятда янги методларни жорий этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, СИдан фойдаланишда ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган жиҳатларни ҳам назарда тутиш лозим. Демак, сунъий интеллектни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда илмий ёндашув, ҳуқуқий меърилар ва ахлоқий тамойиллар муҳим аҳамият касб этади.

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯДА ЖАМИЯТ ВА ШАХС

2023 йил 30 апрель Ўзбекистон тарихида “давлат эмас, инсон учун”, деган тамойилнинг Конституциявий даражада қабул қилинган куни сифатида абадий қолди. Бу нафақат қонунчилик ислоҳоти, балки бутун миллий ўзликни қайта кўриб чиқиш эди.

Агар 1992 йилги Конституция “мустақил давлат қуриш” мақсадини кўзлаган бўлса, 2023 йилги янги тахир “муносиб инсон ҳаётини таъминлаш”ни давлат ва жамиятнинг ягона мақсади деб эълон қилди. Конституциянинг биринчи моддасиданок “Ўзбекистон Республикаси инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлатдир” деб белгиланди. Бу жумла бутун Конституциявий тузилманинг асосий ғоясига айланди.

Айни шу мақсадда янги тахирдаги Конституциямизнинг 19-моддасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади, деган муҳим қоида киритилди. Ушбу қоида билан инсоннинг асосий, табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш давлат ва жамиятнинг энг асосий вазифаси сифатида Конституция даражасида мустақамланди. Мазкур ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқи, эркинликка бўлган ҳуқуқ, шахсий ва уй-жой дахлсизлиги, бошпана ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш, фуқароликка эга бўлиш, меҳнат қилиш, билим олиш, тиббий ҳуқуқ қабилир киради.

Конституциямизда инсон ҳуқуқлари бўйича бир

қанча меъёрлар белгиланиб, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирадагина чекланиши мумкинлиги белгиланди.

Таъкидлаш керакки, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 12,19,21,22-моддаларида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан фақат қонунда назарда тутилган давлат хавфсизлигини, жамоат тартибни, аҳоли саломатлиги ва маънавиятини ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган чеклашлар қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Жамиятнинг давлат олдидаги масъулияти янги ғоя бўлиб, янги Конституцияда илк бор жамиятнинг давлат олдидаги масъулияти ҳам белгилаб берилди.

Давлат муҳим қарорларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказмасдан қабул қила олмайди (шаҳар-созлик, экологик лойиҳалар, бюджет). Ўтган йили “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, натижада ННТ ва фуқаролар давлат харидларини онлайн кузатиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳозирда

фуқароларнинг жамият фаолиятидаги иштироки йилдан йилга ошиб бормоқда, масалан, фуқаролар ҳозирда “Очик бюджет” портали орқали бюджет сарфларини кузатиб бормоқда ҳамда ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда. Шунингдек, жорий йилда “Электрон маҳалла” рақамли платформаси ишга туширилди, бу эса фуқароларнинг маҳалла даромад-чиқимларини реал вақтда кўриш имконини беради. 2023 йилги янги Конституция Ўзбекистонни “давлат учун инсон”дан “инсон учун давлат ва жамият” моделига ўтказди. Энди шахс олий кадриятга, жамият давлат билан тенг шерик ва назоратчига айланди, маҳалла, ННТ, ОАВ, касаба уюшмалари Конституциявий мақомга эга бўлди, давлат эса жамият хизматчисига айланди.

Ушбу ишларнинг самараси натижасида келгуси 5-10 йилда маҳалла ва ННТнинг янада кучайиши, рақамли платформалар орқали фуқароларнинг бево-сита иштирокининг ортиши, “қучли жамият-хизмат кўрсатувчи давлат” моделининг тўлиқ шаклланиши кутилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг 2030 йилгача “инсон кадр-қиммати устувор бўлган фуқаролик жамияти” мақомини эгаллашининг конституциявий пойдеворидир.

Акрам ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси ўринбосари.

СУД ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР АКС ЭТГАН?

Мажбурий ижро бюроси соҳасида кейинги йиллар кўплаб ўзгаришлар, янгилликлар, фуқаролар учун имкониятлар ва ҳозирги замонга мос ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 16 июнь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Бунда ижро иши юритишда хабарномалар ва қабурувлар ижро ишини юритиш доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар ижро ишини юритишда иштирок этувчи томонларга, яъни, жисмоний шахсларга мавжуд бўлган тақдирда уларнинг my.gov.uz порталидаги шахсий кабинетига оққали, юридик шахсларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали, ижро ҳужжатида ундирувчи ёки қарздорнинг электрон почта манзили ёки телефон рақами мавжуд бўлса, электрон почтага ёхуд телефониға қисқа хабар (SMS) юборилиши белгилаб ўтилган. Шунингдек, ижро иши юритиш кўзғатилганидан кейин ижро ҳужжатларини қайтариш тўғрисидаги қонуннинг 40-моддасида кўра, қарздорни ёки унинг мол-мулкни

қидириш назарда тутилган. Агар ундирув имкони бўлмаган тақдирда, қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк бўлмаса, Мажбуриятлар реестрида сақланаётган ҳужжатлар ундирувчига қайтарилмайди. Ундирувни амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда, давлат ижрочиси ижро ишини та-момлайди ва ижро ҳужжати бўйича маълумотлар Мажбуриятлар реестрига киритилади. Ижро ҳужжати Мажбуриятлар реестридан чиқариб ташланганда, бюджетга ундирилишини назарда тутувчи ижро ҳужжати давлат солиқ хизмати органига, давлат даромадиға ўзга ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжати эса ҳужжати берган судга ёки бошқа ор-ганга қайтарилиши белгилаб қўйил-ди. Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 41-моддасида ижро иши юритишни

тамомлашда тугатиш комиссиясига ёки молиявий бошқарувчига юбо-рилганда, ижро иши юритишни та-момлаш тўғрисидаги қарорда барча чекловлар бекор қилиниши, Мажбу-риятлар реестрига киритилган ҳуж-жатлари бўйича чекловлар эса, бе-кор қилинмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Мажбуриятлар реестрига киритилган қарздорнинг мол-мулк-ни ёки пул маблағлари аниқланган-да, ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни тугатиш учун асо-слар юзага келганда, Бош давлат ижрочилари, шунингдек, уларнинг ўринбосарлари томонидан давлат ижрочисининг қонунга хилоф ва асоссиз қарорлари бекор қилинган-да ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қайта тикланади. Ижро ишини юритиш қайта тиклан-

ганда, давлат ижрочиси дарҳол бу ҳақда қарор чиқаради ва мажбурий ижро ҳаракатлари умумий тартибда давом эттирилади. Ушбу қонунинг асосий мезонларидан яна бири Мажбуриятлар реестридаги ижро ҳужжатларига доир маълумотларни сақлаш ва чиқариб ташлаш тартиби ҳамда муддатлари бўлиб, ижро ҳужжатла-рига доир маълумотлар Мажбурият-лар реестрига автоматлаштирилган тизим орқали киритилади ва ўн йил давомида сақланади.

Бундан ташқари, ушбу қонун билан Мажбурий ижро бюросининг кўпгина ижро ҳаракатлари қайта такомиллаштирилиб, бир қанча ўз-гартиришлар киритилган.

Ш. АҚБУТАЕВ,
МИБнинг Жиззах шаҳар бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

➤ Қутлов

“Қорақалпоқбалиқ” уюшмаси жамоаси



Азиз ҳамюртлар!
Сизларни яқинлашиб келаётган
Янги йил байрами

билан самимий қутлаймиз.
Ватанимиз тараққиётиға ўз хиссамизни
қўшаётганимиздан беҳад мамнунмиз ва бу
йилда ҳам орзуларимиз кўп, режаларимиз
бисёр. Хусусан, халқимиз манфаати,
ватанимиз тараққиётини кўзлаб меҳнат
қилишдан ортиқроқ бахт йўқ.

Барчангизга соғлиқ-омонлик, оилавий бахт,
ишларингизга ривож тилаймиз.

➤ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

➤ Хотира

Биринчи ҳоким ёхуд оддий чўпонликдан туман ҳокимиғача босиб ўтилган йўл

Ажойиб инсон, моҳир ташкилотчи, қишлоқ хўжалиги билимдони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Соғломбек Балашовнинг шу йил 28 август куни қўшни Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида тўсатдан вафот этганини эшитиб изтиробга тушидик. Райимберди Балашов қўшни респу-бликада тадбиркорлик билан шуғулланар ва нуруний отасини меҳр билан парвариш қилаётган эди.

...Соғломбек Балашов 1946 йил 20 сен-тябрда Оҳангароннинг Соғлом қишлоғида, деҳқон оиласида дунёга келди. Балаш бува мазкур қишлоққа бўлган чексиз меҳри ту-файли ўғлига Соғломбек номини берди. Соғломбек туғилган йили “Ўзбекиштакқури-лиш” посёлкасида Ангрен номини беришган ва ушбу шаҳарга Тошкентдан темир йўл келиб, кўмир кони очилган ва шаҳарда улуг бунёдкорлик ишлари бошланиб кетган эди. Балаш бува асли деҳқон эмасми, тақдир тақозоси билан унинг оиласи Оҳангарон районининг Бойтўп қишлоғига келишди. Балаш бува чорвачилик ишларига бери-либ кетди. У бахтсиз тасодиф туфайли ҳа-ло бўлганида, Соғломбек эндигона тўрт ёшга тўлганди. Шундан етимчиликнинг аччиқ кунлари бошланди. Табиатан зий-рак ва меҳнаткаш Соғломбек далаларни ва яйловларни севар, қишлоққа меҳри ўз-гача эди. Далада мол боқиб юрганида ҳам қўлидан китоб тушмасди. Бешкападаги тўлиқсиз мактабнинг биринчи синфига 1952 йилда ўқишга борган Соғломбек 1963 йилда Жарёқдаги ўрта мактабнинг ўн биринчи синфини аъло баҳолар билан ту-гатиб, совхозда оддий чўпонликдан меҳнат фаолиятини бошлади. Олий ўқув юртида ўқишга уйдаги молиявий шартот имкон бермасди. Шундай бўлсада у билим олишга интилар, шу мақсадда Чиноздаги ветери-нария техникумига ўқишга кирди. Уч йил чўпон тағйини шараф билан кўтариб юрган Соғломбек техникумини тугаллагач, 1966 йил 1 июлдан ўзи яшаётган худуддаги 3 “Оҳангарон” совхозида ветеринар техникни бўлиб ишлай бошлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Самарқанддаги ветеринария институ-тини ҳам муваффақиятли тугатди. 1981 йил 7 апрелда қатъиятли, билимдон ва ташаб-бускор бош зоотехник уни Собир Раҳимов номли совхозга директор этиб тайинлади. 1985 йил 6 ноябрда эса, Соғломбекни қа-тор йиллардан бери қолоқликда қолаёт-ган Ворошилов номли совхозга директор вазифасига юборишди. Мана шу йилларда Балашов раҳбарлик қилаётган хўжаликлар тумандаги энг пешқадам хўжаликлардан бирига айланиб, мунтазам мусобақа ғолиби бўлди. Донгдор хўжаликнинг мевачилик, сабзавотчилик ҳамда чорвачилик соҳаси-да эришган ажойиб ютуқлари туфайли Соғломбек Балашов Москвада 1988 йилда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги ходимла-рининг Бутуниттифок конференциясида иштирок этиш ҳамда ушбу конференцияда қатнашган КПСС Марказий Комитетининг Бош қотиби Михаил Горбачев билан қи-шлоқ хўжалиги мавзусида суҳбатлашиш ша-рафига муяссар бўлди.

1990 йил. Собик Иттифокда мустақил-лик шабадалари эса бошлаган пайт. Ўзе-бекистон ССРда янги тузилмалар тўғрисида қарор қабул қилиниб, район Советлари таш-кил қилинди. Оҳангарон районида ҳам 1990 йил март ойда бўлиб ўтган район Совети-нинг сессиясида район Совети раислигига номзодлар муҳокама қилинди. Номзодлар ҳам ҳазилакам эмасди. “Эйвалек” махсус темир-бетон комбинати директори Тур-муҳаммад Ботиров, “Оҳангарон совхози директори Улуғбек Иброҳимов ва Воро-шилов номли совхоз директори Соғлом-бек Балашов номзодлари кўрсатилган эди. Депутатлар эса Балашовни яхши билишар ва бир овоздан унинг номзодини маъқул кўришди. Норасмий қоидага кўра ўша пайт-ларда район Совети раислигига аксарият кўп жойларда район партия комитетининг биринчи секретари сайланди. Бироқ Оҳан-гарон район партия комитетининг биринчи секретари Султонмурод Тўлаев ўзини амал-ий ишда кўрсата олмаганлиги учун унинг район Совети раислигига сайланишини депутатлар маъқул кўрмадилар. 1990 йил май ойда бўлиб ўтган Оҳангарон район партия ҳисобот-сайлов конференциясида Соғломбек Балашов муқобиллик асосида Оҳангарон район партия комитетининг



биринчи секретарлигига сайланди ва ишга астойдил шўнғиб кетди.

Оғир йиллар эди. Болтиқ бўйи мамла-катларида турли митинглар, тўпалонлар бошланиб кетган, қандайдир сўзамоллар кўпайиб кетиб, ҳеч ким амалда меҳнат қи-лишни хоҳламасди. 1991 йил 31 август куни Соғломбек Балашов Ўзбекистон мустақил-лиги эълон қилинган қонни қувонч билан қутиб олди ва энди ишлашнинг ҳақиқий даври этиб келганлигини қучур хис қилиб, амалий ишларга киришиб кетди. У 1992 йил 15 февраль куни Оҳангарон тумани Кенгашининг XVII қақирқ VIII сессиясида яқдйлик билан муқобиллик асосида бир овоздан Оҳангарон туманининг биринчи ҳокими этиб сайланди. Тан олиш керак , мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий кадрлар раҳбар этиб сайландилар. Соғлом-бек Балашов тумандаги оғриқли муаммолар тўғрисида юқори давлат ташкилотларига хатлар ёзди, илтимосномалар ва ташабб-услар билан чиқди. Ана шу ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, 1992 йил 10 ноябрда Ўзе-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг муовини Қайом Ҳаққулов район-га ташриф бузориб, Оҳангарон туманини 1993-1995 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли яшаш жойларини газлаштириш масаласи муҳокама қилинди ва бу борада Вазирлар Маҳкамасининг мах-сус қарори қабул қилинди. Бу эса Оҳангарон тумани аҳолининг чексиз хурсандчилигига сабаб бўлди. Шубҳасиз, ўша пайтларда Ўз-бекистон Республикасининг биринчи Бош вазирли Абдулҳошим Муталовнинг ҳам ту-манга бу борадаги қўмаклари ғоят чексиз. Соғломбек Балашовнинг тинимсиз меҳнат-лари натижасида тез орада туман аҳоли яшаш жойларини газлаштириш ишлари қизгин бошланиб кетди. Бирлик ва Қизилой қишлоқ фуқаролар йиғини худудида 420 ўқувчига мўжалланган мактабларнинг янги биноси, “Олмалик” ёрдамчи хўжалигида фельдшерлик шаҳобчаси, Нуробод кўрғони-ни Телов қишлоғи билан боғловчи кўприк ва бошқа кўплаб қурилишлар ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Оҳангарон шаҳридаги муслмонлар жомеъ масжидининг янги жойига қўчирилиши ва унинг қурилиши ҳам бевосита Соғломбек Балашовнинг номи билан боғлиқ.

Соғломбек ака узоқ йиллардан бери Сусам қишлоғидаги қабристон худудини ободонлаштиришга қатта эътибор бериб, “Олтин мерос” виллоят жағфармаси билан яқиндан маслаҳатлашган ҳолда “Пайғамбар ота” зиёратгоҳини вужудга келтириш ва қурилиш ишларига бош-қош бўлиб ҳамда ҳомийлик қилиб ўзидан бир улуг ва савобли иш қолдирди. Кейинчалик яна ўзи илгари раҳбарлик қилган Собир Раҳимов номли совхозда самарали ишлаб, эзгу ишларини давом эттирди. Бугунги кунда Соғломбек Балашовнинг муносиб шоғирдаридан Шунқор Умироқов, Муҳаммадали Дўст-боев, Юнусали Қўлдошев ва бошқалар эл-юрт орасида фидокорона меҳнатлари билан танилган... Ўзбекистон Республика-сида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими унвоини соҳиби Соғломбек Балашов ўн маротаба Оҳангарон тумани Кенгаши депутати ва тўрт маротаба Тошкент виллояти Кенгаши депутатлигига сайланган ва қатор орден, медаль, нишонлар эғаси эди.

Соғломбек ҳожи Балашовдан қомил ва солиҳ фарзандлар қолди. Ажойиб шоиримиз Ҳамид Олимжон мен элимнинг юрагида яшайман, деб лутф қилган эди. Шубҳасиз, туманимизнинг асл фарзанди Соғломбек Балашов эса оҳангаронликлар хотирасида мангу яшайди.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА

➤ Эълон

04-02/11397 рақами билан 1993 йил 9 февралда Хвастунова Татьяна Александровна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
05-01/12149 рақами билан 1993 йил 9 декабрда Рахимова Алиса Гафировна номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
10-01/20367 рақами билан 1993 йил 30 апрелда Таджибаев Суннатулла номига берилган хонадонга эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муно-сабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Ўтказилган нуфузли тадбир доирасида нашр жамоасига алоҳида ҳурмат ва эътироф рамзи сифатида
Президент совғаси – автомобил топширилди

“Саодат” – аёллар овози: бир асрлик йўл

15 декабрь куни “Саодат” журнаlining 100 йиллиги муносабати билан тантанали юбилей маросими бўлиб ўтди.



Тантанали анжуманда Бош вазир ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамova сўзга чиқиб, тадбирни расман очиб деб эълон қилди ҳамда “Саодат” – аёллар овози” номли китобни кенг жамоатчилиққа тақдим этди. Ушбу нашр журналнинг бир асрлик тарихида аёл қалби, тафаккури ва жамиятдаги фаоллигини акс эттирган энг сара мақола ва ғояларни жамлагани билан алоҳида аҳамият касб этади.

– Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар фақат ижтимоий ҳаёт иштирокчиси эмас, балки ишлорларнинг фаол ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда. “Саодат” ана шу янги тафаккурни тарғиб этувчи юксак минбарга айланди”, – деди Бош вазир ўринбосари Зулайхо Маҳкамova ўз чиқишида.



Ўтказилган нуфузли тадбир доирасида нашр жамоасига алоҳида ҳурмат ва эътироф рамзи сифатида Президент совғаси – автомобил топширилди.

Журнал Бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

маданият ходими, шоира Мунаввара Усмонова тахририят меҳнатини қадрлаб, юксак мукофот билан сийлаган Юртбошимизга ва барча иштирокчиларга ўз миннатдорчилик сўзларини изҳор қилди.

Шунингдек, журнал ижодкорлари ҳам муносиб тақдирланди.

Тахририят жамоасини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида қатор тақдирлаш маросимлари ташкил этилди. Хусусан, миллий матбуот ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун 7 нафар ижодкор хотин-қиз “Мўътабар аёл” кўрак нишони билан тақдирланди. Бундан ташқари, тахририят ходимлари қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Қутлуғ сана байрамона кайфиятда ўтди. Таниқли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар томошабинлар кўнглини хушнуд этди.

Ўз муҳбиримиз



Орттирилган иммун танқислиги синдроми касаллигида организмни ички ва ташқи зарарли таъсирлардан химоя қилувчи иммун тизими вирус таъсирида издан чиқади. ОИТС инсоният оламида энг даҳшатли касаллик ҳисобланиб, ҳозирги кунгача унинг давоси топилгани йўқ ва охири ўлим билан якунланади. Шунинг учун ҳам ОИТС XXI аср вабоси бўлиб қолди. Касаллик тарқатувчи орттирилган иммунитет танқислиги синдроми ротавируслар гуруҳига киради. Унинг геноми одам геноми ичига ичига жойлашиб олиб, уни издан чиқаради. ОИТС биринчи бор 1981 йил Америкада қайд этилган ва ушбу вирус билан касалланганларнинг “бесоқолбоз” эканлиги аниқланган.

ОИТС – ИЖТИМОЙ КАСАЛЛИК



Касаллик асосан, жинсий алоқа, зарарланган игналар, қон ва қон элементлари орқали юқади. Қуйидаги ҳолларда вирус юкмайди: сўлак, ошхона анжом, идиш-товоқ, пардоз-андоз буюмлари, бассейн-ховуз, чивин, пашша, ўрин-қўрпа канаси орқали. Шунингдек, вирус ташувчи одам билан бир хонада бўлган ҳолларда ҳам вирус юкмаслиги аниқланган. Вирус ташувчи одамнинг шахсий гигиеник воситаларидан фойдаланмаслик ҳам эҳтиёт шарт. Масалан, қош тергич, тирноқ тозаллагич хавфли бўлиши мумкин.

ОИТСнинг ҳайвонлар организмиде яшамаслиги ва унинг фаолияти ҳамда қўпайиши учун фақат одам ҳужайралари кераклиги америкалик олимлар томонидан аниқланган. Қаламуш, сичкон, мушук ва маймунлар қонига ушбу вирус билан зарарланган одам қонидан юборилганида ҳам, уй ва ёввойи ҳайвонлар тишлаганда ҳам, жуда кўп тажрибаларда, касалликнинг клиник белгилари кузатилмаган. Демак, бу ижтимоий касаллик. Шунинг учун у кенг маънода нафақат иқтисодий, сиёсий зарар келтиради, шунингдек, оилавий, руҳий, маънавий, ахлоқий салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шундай экан, касалликнинг олдини олиш, даволаш, тарқалишини чеклаш ишларида ақл-заковат билан яшаш тарзини яхши йўлга қўя билиш энг муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ушбу касалликнинг номи ҳар қандай кишида ўзгача салбий ҳис-туйғу уйғотади. Вирус юққан шахснинг аҳволи узоқ муддат

меъёрида бўлиши мумкин. Чунки, вирус организмга киргач, ҳужайра ичига, асосан, ядро аппаратида жойлашиб олади ва маълум давргача тинч ҳолатда сақланади. Касалликнинг инкубация даври ўртача 3-5 ва ундан ортиқ даврни ҳатто 8-10 йилни ташкил этади. Клиник белгиларига келсак, беморда иситма чиқа бошлайди ва бу ҳолат сабабини аниқлаш қийинроқ бўлган ҳолда узоқ муддатга чўзилиши мумкин. Баданига тошмалар тошади, гриппга ўхшаш белгилар ва неврологик бузилиш белгилари кузатилади. Ана шу даврдан бошлаб сурункали шаклда касаллик 8-9 йилда ниясига етади.

Вирус нафақат организмдаги иммун тизимини ишдан чиқаради, у бош мия ҳужайралари ва орқа мия суюқлигида ҳаёт кечириб, инсонни одабийлик қиёфасидан чиқариб боради. Ақлан бузилиш, эслаш қобилиятининг тезлик билан пасая бориши ва охир оқибатда тўлиқ неврологик бузилишларга олиб келади. Беморнинг ҳаракат координацияси йўқола боради. Гапириши бузилади, баъзан кучли қўзғалиш бўлса, сабабсиз депрессия ҳолатига киради.

Хасталик юз фоиз ўлим билан тугайди.

Хулоса қилиб айтганда, бу масалада ҳар бири жон қуйдиrhoғи лoзим. Бунинг учун ОИТС ҳақидаги маълумотларни билишнинг ўзи ҳам катта аҳамиятга эга.

Феруза МАМАДАЛИЕВА,
ТДАУ доценти.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
(СЎ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ)

барча юртдошларимизни

Янги йил байрами

муносабати билан самимий табриклайди.
Юксак тараққиётимиз, эртанги кунимиз фаровонлиги
йўлида астойдил меҳнат қилаётган ирригатору
мелиораторларга, заҳматкаш деҳқону фермерларга,
пахтакору ғаллакорларга ишларида барака, улкан
ютуқлар ҳамроҳ бўлишини тилайди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯНГИЕР ШАҲРИДАГИ

“BUNYODKOR”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни
қуриб келаётган 2026 йил билан
самимий қутлайди.

Овоз ва обод Ватанимиз равнақи,
эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу ишларда
барчангизга янги зафарлар,
олам-олам орзу-умидлар,
хонадонингизга қут-барака,
оилавий хотиржамлик тилайди.

YANGIYER

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори
ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-ракам билан рўйхатдан ўтказилган.

Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Нашр индекси – 144. Буюртма Г-1217. 1430 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00